



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 6-oktabr. Seshanba • 119 (32.022)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов 2015 йил 7-8 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнатини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИ

ЎзХДП фракцияси таклифлари қўллаб- қувватланди



ШУ ЙИЛНИНГ 2 ОКТЯБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ МУСТАҚАМЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР, ХУСУСАН, БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. ШУЛАРДАН БИРИ «ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИДИР.

► Давоми 2-бетда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тошкент
вилоятининг Ангрен
шаҳрида Ўзбекистон
Республикаси
Миллий хавфсизлик
хизмати чегара
қўшинларининг бир
гурух ҳарбий
хизматчилари
оилаларига
мўлжалланган 70
хонадондан иборат
беш қаватли
замонавий уй
фойдаланишга
топширилди.



Янги уйлар ўз эгаларига топширилди

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шахарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бундай турар жойларда юксак талаблар ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилма масалаларига эътибор кучайтирилаётган.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қўллаб-қувватловчи уй-жойлар, ётоқхоналар, таълим муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқа инфратузилма

объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Ангрен шаҳри «Нуробод» кўрғонида барпо этилган «Ҳарбийлар шаҳарчаси» бунга мисол. «Истиқбол таъмир» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан тез ва сифатли барпо этилган янги уйларда чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Болалар учун замонавий ўйин майдончаси қурилган.

Оқил ҲУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Халқ депутатлари Урганч туман
Кенгаши доимий комиссияси
йиғилишида Ўзбекистон ХДП гуруҳи
ташаббуси билан қишлоқларда тиббий
хизматни янада яхшилаш масаласи
муҳокама этилди.

Халқ депутатлари Бўқа туман Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари туманда
«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури
ижроси борасида олиб борилаётган ишларни
назорат-таҳлил тартибида ўрганиб, ушбу
масалани халқ депутатлари Бўқа туман
Кенгаши сессиясига олиб чиқди.

МУНОСАБАТ

Машаққатли меҳнат рағбати

Умрининг ўттиз йилини таълим соҳасига бағишладим. Электротехника ва электроника асослари фанидан дарс ўтаман. Ўқувчиларим касб маҳорати бўйича ўтказиладиган кўрик-танловнинг вилоят босқичида доимий равишда биринчи ўринни қўлга киритиб келмоқда. Фаолиятим давомида қурилиш чизмачилиги ва электр занжир назарияси фанлари бўйича маъруза матнлари ишлаб чиққанман.

Ўн йилдан буён Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодий касб-хунаро коллежидида махсус фан ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатаман. 2014-2015 ўқув йилида коллежимиз битирувчиларидан ун нафари — Ислам Жўраев Малайзия, Ақром Анваров Япония, Аббос Турсунбоев Хитой давлатининг нуфузли олий ўқув юрталарига интернет орқали имтиҳон топириб, грант асосида ўқишга қабул қилинди. Мана шу ютуқларда менинг ҳам камтарона ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Ўқитувчи меҳнати нима билан ўлчанади? Ўқувчилари эришган ютуқлар билан, албатта. Коллежимиз битирувчилари қўлга киритаётган муваффақиятларда мен билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган фидойи муаллимларнинг, ахил жамоамизнинг муносиб ўрни бор, деб ўйлайман.

Коллежимизда ота-оналар билан ишлашга, ўқувчиларнинг нафақат таълим олиши, балки тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мен бир педагог сифатида таълимни-тарбиядан, тарбияни-таълимдан

алоҳида тасаввур қила олмайман.

Ўқитувчи — келажақ меъмор. Унинг машаққатли меҳнати доимо эл-юрт ардоғида. Муаллимнинг ёш авлод таълим-тарбиясига бағишланган умри шоғирлар тимсолида давом этаверади.

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимига алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонида кўра, мен «Меҳнат шухрати» орденига муносиб кўрилдим.

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимиздан ҳеч нарсани аямай, уларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Мамлакатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийларга

йўллаган табригида ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етуқ инсонларни камол топтиришга қодир бўлади, деган фикрни илғари сурди. Албатта, бу сўзлар биз, ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Бу ҳақиқатни бугун чет эллик экспертлар ҳам таъкидламоқда.

Мен ўз касбимдан фахрланаман. Менинг меҳнатимга берилган эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирарман.

Обиджон Йўлдошев,
Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодий касб-хунаро коллежининг махсус фан ўқитувчиси,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳibi.

Янгиликлар,
бунёдкорликлар,
хабарлар...

Ногиронлар реабилитация маркази

109,5 минг АҚШ
долларлик замонавий
тиббий асбоб-ускуналар
билан таъминланди

2015 йилнинг март ойида Япония ҳукумати томонидан тақдим этилган ижтимоий дастур доирасида Самарқанд шаҳридаги Ногиронлар минтақавий реабилитация марказини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан шартнома имзоланган эди.

Қисқа муддат ичида зарур ускуналар тиббиёт марказига олиб келиб ўрнатилди. Натижада мазкур муассасада хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Таълим муассасалари

куз-қиш мавсумига
тайёр

Қашқадарё вилоятида 59 мактабгача таълим муассасаси, 242 умумтаълим мактаби, 2 Меҳрибонлик уйи, 4 махсус мактаб-интернат куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди.

Таълим муассасаларидаги қозонхоналар тўлиқ таъмирланиб, 845 метр қувур алмаштирилди. Ташқи қувурлар ҳимоя қобиғи билан қопланди. Бу ишлар учун 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Чекка ҳудудларда жойлашган таълим муассасаларига 21 минг тоннадан зиёд кўмир етказиб берилди.

«Ромстар»да

кўнига 600 килограмм
пилла қайта
ишланмоқда

Ромитан туманида фаолият кўрсатаётган «Ромстар» корхонасида бугунги кунда 100 дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Олот, Қорақўл, Жондор туманларидаги фермер хўжалиқлари ўртасида имзоланган шартномага кўра, шу кунгача корхонага 500 тонна пилла хомашёси етказиб берилган.

«Ромстар»да кўнига 600 килограмм пилла қайта ишланиб, 200 килограмм калава-ип тайёрланмоқда. Мазкур корхона йил охирига қадар қиймати 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирмоқда. Ушбу корхонанинг экспорт кўрсаткичи жорий йилнинг шу даврига қадар 470 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ
тайёрлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Парламент вазирнинг
ахборотини тинглади



■ Фарғона вилоятида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари қандай фаолият юритяпти?

МУНОСАБАТ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
24 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
АРАФАСИДА МЕНГА
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИ
БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»
УНВОНИ БЕРИЛДИ. ҲАЛИ
ТАБРИКЛАРНИНГ КЕТИ
УЗИЛМАЙ, ҲАЁТИМДА ЯНА
БИР САОДАТЛИ ВОҚЕА РЎЙ
БЕРДИ. ФАРФОНА
ВИЛОЯТИГА ИСЛОҲОТЛАР
БИЛАН ТАНИШИШ
МАҚСАДИДА ТАШРИФ
БУЮРГАН ЮРТБОШИМИЗ
БИЛАН УЧРАШИШ,
СУҲБАТЛАШИШ БАХТИГА
МУЯССАР БЎЛДИМ.

БУНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ — БАХТ

Айниқса, у кишининг сизлар билан, сизларнинг тимсолингизда халқимиз вакиллари билан дийдорлашгани, маслаҳатлашгани келдим, деган сўзлари биз, фарғоналикларни тўлқинлантириб юборди.

Президентимизнинг ҳар гал Фарғонага келиши, оддий одамлар билан учрашиши том маънодаги байрамга айланиб кетади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Мамлакатимиз раҳбари ҳар биримиздан ҳол-аҳвол сўради. Кўнгиллигини кўтарди. Ишларимиз билан қизиқди. Режаларимизни муҳокама қилди. Оиламиз, турмушимиз ҳақида гаплашдик. Самимий суҳбат давомида у кишининг берган маслаҳати ҳар биримизга қанот бағишлади.

Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашувда у киши томонидан аёлларнинг оғирини енгил қилиш, фарзанд тарбияси, қишлоқларимизнинг янада чирой очилиши, бунёдкорлик, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фермер хўжалиқларини ривожлантириш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, кексаларимизнинг дуосини олиш, ишимизга ҳалақат бераётган баъзи бир тўсиқларни бартараф этиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу ўринда яна бир гапни айтмоқчиман. Президентимизнинг ўта оғир, машаққатли давлат ишларидан вақт ажратиб қишлоқларга бориши, одамларни эшитиши, уларга ҳурматини изхор қилиши, дилдан суҳбатлашиши, кўнгилларга етиб бориши — бу унинг ўз халқига бўлган чексиз ҳурматини ифодалайди.

Бугунги кунда фермер хўжалигимиз тасарруфида 65 гектар ер майдони бўлиб, шундан 30 гектариди галла етиштириб, 60 центнердан ҳосил олди. 35 гектаридан ҳозиргача 140 тонна пахта териб олди. Ўзимча ҳисоб-китоб қилдим — дала-ларимизда яна 30-40 тонна пахта бор. Худо хоҳласа, бу йил ҳосилдорлик 50 центнердан ортиқ бўлади.

Мен Юртбошимизга шулар ҳақида гапириб бердим. Фермер бўлиб ер эгасига айланганим, қатор-қатор техника сотиб олиб, замонавий дала шийони кўрганам, 38 нафар ҳамқишлоғимга фақат ишда эмас, ҳаётда ҳам бош эканим ҳақида айтганимда, у киши мамнун бўлди. Шунингдек, мақсадим фермерлар учун яратиб берилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўлиб, кўптармоқли хўжалик тузиш экани, хориждан зотдор чорва ва кичик завод келтириб, сутни, гўштни қайта ишлайдиган тармоқ яратмоқчи эканлимин фахр-ифтиҳор билан сўзладим.

Энди айтинг, инсон чинакам қадр топган бундай тинч-осойишта юртда яшаш бахт эмасми?

Президентимиз билан учрашув кучимга куч қўшди. Бир сўз билан айтганда, бутун фарғоналикларнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Зебихон РУСТАМОВА,
Тошлоқ туманидаги «Заркент саховати»
фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган пахтакор, ЎзХДП фаоли.

ЎзХДП фракцияси аъзолари қонунлар лойиҳаларини чуқур таҳлил қилиш, электорат манфаатларига мос келадиган таклифлар ишлаб чиқиш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ТАКЛИФЛАРИ Қўллаб-қувватланди

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
ЮЗАСИДАН
ДЕПУТАТЛАР КўПЛАБ
ФИКР-МУЛОҲАЗА ВА
ТАКЛИФЛАР
БИЛДИРИШДИ.
АЛОҲИДА
ТАЪКИДЛАШ КЕРАК,
МАЗКУР ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА
ҚИЗГИН БАҲС-
МУНОЗАРАЛАР
БЎЛИБ ЎТДИ.

Айниқса, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларда сиёсий партиялар фракцияларининг нуқтани назари, позициялари турлича бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайлов-олди дастурида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг реклама қилинишини мувофиқлаштиришга доир масалалар ҳам ўрин олган. Шунинг учун ЎзХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратишди. Электорат манфаатлари, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фракция позицияси шакллантирилди.

Хўш, қонун лойиҳасида нималар назарда тутилмоқда? Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан билдирилган таклифларнинг аҳамияти томонлари нималардан иборат ва уларнинг қайсылари иккинчи ўқишда инобатга олинди?

«Давоми. Бошланғич 1-бетда.

НУҚТАИ НАЗАР

Ижтимоий шериклик — электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита

Демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш долзарб масаладир. Шунинг учун Ўзбекистон ХДП тизимида ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни чуқурлаштириш, биргаликда қатор ташаббусларни рўёбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чунки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш ва муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шериклики кучайтириш яхши самара беради. Бу тажрибада ўз исботини топган. Масалан, партиямиз ташаббуси асосида «Маҳалла — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази», «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз» лойиҳалари ҳамда турли йўналишдаги



Сайёра ШОҲИДОВА олдидан сурат.



Ёқуб Умаров,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Аввало, қонунни қабул қилишдан қўзланаётган мақсадга эътибор қаратсак. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги тахрири 1997 йилда қабул қилинган. Ўтган вақт давомида соҳадаги муносабатларда қатор ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Шунинг учун амалдаги қонуннинг айрим меъёрлари бутунги кун талабига мос кела олмайди.

Бундан ташқари, Қонуннинг амалдаги тахрири тузилиш жиҳатидан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги

ва «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кириштириш тартиби тўғрисида»ги қонунлар талабларига мувофиқ эмас.

Фармацевтика соҳаси ривожланишининг замонавий босқичида соҳани тартибга солиш механизмларини халқаро стандартлар талаби билан уйғунлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда қонуннинг янги тахририда дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолиятига доир муносабатларни

такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани қўллашда фуқаролар соғлигини сақлашни устувор йўналиш сифатида белгилаш ҳамда фармацевтика соҳаси ривожланишига тўққинлик қилаётган айрим маъмурий тўсиқларни бартараф этишга эътибор қаратилган.

Биз фракция йиғилишларида қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиб, таклифлар ишлаб чиқдик. Бу бевосита дори воситалари, тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш ва дори воситаларини реклама қилиш масалалари билан боғлиқ. Ялпи мажлисда бу таклифлар қизгин муҳокама этилди, айрим фракция аъзолари томонидан эътирозлар билдирилди, лекин яқунда аксарият таклифларимиз кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди.

Фракциямиз ўз таклифларини ишлаб чиқишда шу масалага ҳам эътибор қаратди.

Фракциямиз қонунийлик, аниқлик, ишончлилик ҳамда истеъмолчига зарар ёки маънавий зиён етказмайдиган шакл ва воситаларни қўллаш дори воситалари рекламасига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Дори воситаларини реклама қилишда айрим чекловлар бўйича ҳам ўз таклифларимизни билдирдик.

Лазиза ШЕРОВА



Аҳад Аҳмедов,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Тиббиётда шундай дори воситалари борки, уларни врач рецептсиз ҳам қабул қилиш мумкин. Хўш, бундай дори воситаларининг рекламасида нималарга аҳамият бериш керак?

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП
«ФАОЛ АЁЛЛАР»
ҚАНОТИ**

ХАБАРИНГИЗ БОР,
ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ
БЎЛГАН ХОТИН-
ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ-
ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ
ОШИРИШ, УЛАРНИНГ
МАМЛАКАТИМИЗДА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИДАГИ
ИШТИРОКИНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ
МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА
«ЎзХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ
АЁЛИ» КўРИК-ТАНЛОВИ
ЎТҚАЗИЛЯПТИ.

Термиз шаҳрида

Ўзбекистон ХДПнинг
энг фаол аёли аниқланди

Яқинда танловнинг Термиз шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Биринчи шартга кўра, иштирокчилар ўз лойиҳаларини тақдим этишди. Лойиҳалар ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, лойиҳаларда хотин-қизлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир ғоялар ўз ифодасини топди. Масалан, Термиз шаҳридаги 7-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Нигора Мардонованинг **оилавий тадбиркорлик ва уй меҳнатининг бошқа шакллари ташкил этиш**, 24-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Гулбаҳор Юлдашевнинг **анъанавий хунармандчиликни ривожлантириш** тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари кўпчиликка маъқул бўлди.

«Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир» деб номланган иккинчи шартда иштирокчиларнинг нотиклик маҳорати, қонунларнинг энг муҳим концептуал жиҳатларига бошқаларнинг эътиборини қарата олиши, ўз фикрини тингловчиларга раван ва содда тилда етказиб бериши каби хусусиятларига эътибор қаратилди. Фаол аёллар партиямиз электорати манфаатларига дахлдор қонунлардан бирининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунириб берди.

Учинчи шартда иштирокчи аёллар «**Сиёсий ҳозиржавоблик**» бўйича беллашди. Катнашчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 10 тадан савол берилди. Ушбу шартга фаол аёллар пухта тайёргарлик кўргани яққол сезилди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларини белгиланган мезонлар асосида баҳолаб боришди. Йиғилган баллар умумлаштирилиб, ғолиблар аниқланди. Унга кўра, биринчи ўринни **Термиз шаҳридаги 7-мактаб инглиз тили фани ўқитувчиси Нигора Мардонова** эгаллади.

Танлов жуда қизиқарли ўтди, бахс-мунозаралар кучли бўлди, — дейди **Нигора Мардонова**. — Чунки иштирокчиларнинг ҳар бири ўз олдида ғолиб бўлиб, навбатдаги босқичга чиқаман, деган мақсадни қўйганди. Мен ҳам шунини ният қилгандим. Президентимиз асарлари, қонун ҳужжатлари, сиёсий адабиётлар, сиёсий партиялар Сайловолди дастурларини синчковлик билан ўқиб чиқдим, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги депутатлар билан суҳбатлашдим. Билмаганларимни сўраб ўргандим. Булар танлов давомида жуда қўл келди. Энди вилоят босқичига ҳам жиддий тайёргарлик кўраман.

Кўрик-танлов сўнггида иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайфиддин ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши бўлим мудири.

Фахриддин ЮЛДАШЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири.



■ **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЭҲТИЁЖМАНД АҲОЛИ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ УЧУН КУРАШАДИ.**



■ **ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТДАГИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТОРАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.**

Республикада мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 2005 йилдаги 52,7 фоиздан 2014 йилга келиб 64,5 фоизгача ўсди, сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсони бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 6-октябр. Сешанба
119 (32.022)-сон
www.uzbekistonovozi.uz

3

Академик Зокиржон Салимов

Ўзбекистон илм-фани оғир жудаликка учради. Кимё соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Зокиржон Салимов 75 ёшида вафот этди.

З.Салимов 1940 йили ишчи оиласида туғилди. 1962 йили Тошкент политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, мазкур олий ўқув юртида аспирантурада таҳсил олди. 1967 йилда номзодлик, 1976 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент политехника институтини катта ўқитувчиси, доценти, профессори, кафедра mudiri, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Кимё институтини директори, Умумий ва ноорганик кимё институтини раҳбари каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда кимё-технология соҳасидаги долзарб илмий масалаларни тадқиқ этиш, юкори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

**И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ,
Н.ИСМОИЛОВ, Ш.МИРЗИЕВ, Ш.СОЛИХОВ**

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Самарқандга саёҳат

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ташаббуси билан пойтахтимиздаги 22-, 23-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда 101-, 102-, 106-ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 50 нафар ўқувчиси учун Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳат уюштирилди. Ушбу саёҳат давомида улар Регистон майдони, Самарқанд тарихи музейи, Гўри Амир мақбараси мажмуаси ва бошқа тарихий обидалар билан бирга истиқлол йилларида барпо этилган муҳташам иншоотлар билан ҳам танишдилар.

Тошгемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДЛИК

Янгибозорда янги иш ўринлари

Янгибозор туманидаги йилига минг тонна калава иппи қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Интер Текстиль Милс» масъулияти чекланган жамияти бундан бир йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган эди.

Яқинда ушбу янги корхонага ўн иккита энг замонавий, компьютерлаштирилган дастгоҳлар ўрнатилди. Шундан сўнг тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми ортиб, сифати янада яхшиланди. Айни пайтда корхонани янада кенгайтириш мақсадида, бир қатор муҳим лойиҳалар жорий этилмоқда. Бу эса яна 40 та янги иш ўрни яратилади, деганидир.

**Рўзимбой ХАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ҚОНУН ВА ШАРҚ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни омма-лаштириш, ёш авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, соҳани ривож-лантириш орқали юртимиз-нинг жаҳон ҳамжамияти-даги мавқеини янада оши-риш каби масалалар дав-лат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгилаб олинди.

Шу ўринда республика-мизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тартибга солишга ҳиз-мат қиладиган ҳуқуқий асос яра-тилгани ва такомиллаштирилиб борилаётганини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, бугунги кун-гача соҳадаги муносабатлар 1992 йилда қабул қилинган, 2000 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун би-лан тартибга солиниб келина-ётган эди. Шунингдек, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томони-дан жисмоний тарбия ва спорт-га аҳолини кенг жалб этиш, со-ҳанинг моддий-техник базаси-ни мустаҳкамлаш мақсадида қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жам-ғармаси ташкил этилганидан буён республикада 1700 дан зиёд спорт объекти барпо эти-либ, улар замонавий спорт ан-жомлари ва малакали мураб-бийлар билан таъминланди. Яратилаётган имкониятлар на-тижасида бугунги кунда мамла-катимизда ёшлар орасида спорт билан мунтазам шуғулланиш кел-моқда. Буларнинг самараси ўлароқ республикада мут-лақо соғлом болалар кўрсатки-чи 2005 йилдаги 52,7 фоиздан 2014 йилга келиб 64,5 фоизга-ча ўсди, сўнгги ўн йилда ри-вожланишида туғма нуқсони бўлган болалар сони 1,3 баро-бар камайди.

Шунингдек, юртимиз спорт-чилари жаҳон, Олимпияда, Осиё китъаси мусобақаларида муно-сиб қатнашмоқда.

Соҳада эришилган талай



Ушбу оғлан оғура.

ижобий натижаларга қарамай, ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, ай-ниқса, ёшлар ҳамда аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қув-ватлашнинг замонавий механиз-мларини яратиш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ри-вожлантиришга қаратилган ис-лохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда янада таком-миллаштириш мақсадида парла-ментимиз томонидан жорий йилда янги таҳрирдаги «Жисмо-ний тарбия ва спорт тўғриси-да»ги Қонун қабул қилинди ва 2015 йил 5 сентябрь кундан эътиборан қучга кирди.

Янги таҳрирдаги қонун Ўзбе-кистон Республикаси Президен-тининг 2014 йил 19 февралда-ги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори иж-росини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, тарки-бий тузилиши жиҳатидан 8 боб, 47 моддадан иборат. Маълумот ўрнида қайд этишимиз жоизки, олдинги таҳрирдаги қонун 27 моддадан ташкил топган эди. Бу янги таҳрирда қабул қилин-ган қонун соҳага доир ҳуқуқий муносабатларни кенг қамраб олганлигидан далолат беради.

Янги таҳрирда қабул қилин-ган қонунда олдингисидан фарқ-ли ўлароқ, «жисмоний тарбия», «жисмоний реабилитация», «спорт», «оммавий спорт», «про-фессинал спорт», «спортчи» каби жисмоний тарбия ва спорт-

га оид бир қатор асосий тушун-чалар таърифи батафсил очиб берилган. Қонунга қўра, спорт-га — одамларнинг муайян қоида-лар буйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллек-туал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик ва профессионал асосдаги фаоли-яти, шунингдек, ушбу фаолият-га тайёргарлик қўриш ҳамда бу жараёнда одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, деб таъриф берилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонунда жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш-ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсоннинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, шунинг-дек, спорт тadbirlari ишти-рокчилари ҳамда томошабин-ларнинг ҳавфсизлигини таъмин-лаш, ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларга оид спорт турлари, яъни паралимпия, сурдалимпиа, махсус олимпиада ва бошқалар-нинг ривожланишига шароит яратиш, Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинла-рини ривожлантириш ҳамда ом-мавийлаштириш учун шарт-ша-роитлар яратиш каби қатор ва-зифалар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, қонунда Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг, махсус ваколатли давлат органининг,

Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари-нинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари, шу-нингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, кор-хоналар, муассасалар, ташки-лотларнинг ҳамда бошқа нодав-лат нотижорат ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда иштирок эти-шининг ҳуқуқий асоси белгилаб берилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиши-миз жоизки, юртимизда ёш ав-лодни баркамол этиб тарбия-лаш мақсадида мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ва талабалар ўртасида уч босқичли «Умид ни-холлари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундай тизимнинг яратилгани-ни эса мамлакатимиз ёшларининг жаҳон майдонларида эри-шаётган улкан ғалабаларига пойдевор бўлмоқда. Янги та-ҳрирда қабул қилинган «Жисмо-ний тарбия ва спорт тўғриси-да»ги Қонунда Ўзбекистон Рес-публикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вази-рилари, махсус ваколатли давлат органининг, шу-нингдек, фуқароларнинг жис-

моний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, соғлом ҳаёт кечиришлари имкон берувчи меъёрларни такомиллашти-рмоқда. Ўзбек миллий спорт тур-лари ва халқ ўйинларини янада ривожлантиришга асос бўлади-ган ҳуқуқий нормаларни белги-лаб бермоқда.

Қонунда яна бир янгилик си-фатида хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва спортчиларнинг фао-лиятини мунтазам мониторинг қилишнинг ягона тизимини жо-рий этиш мақсадида спортчи-нинг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублигини ва унинг малакасини тасдиқлайди-ган янги «спорт паспорти» ту-шунчаси киритилди. Спорт пас-порти ягона намунадаги ҳужжат бўлиб, унда спортчининг фами-лияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташки-лотига мансублиги, спорт ун-вонлари ва спорт разрядлари берилганлиги тўғрисидаги маъ-лумотлар, спорт мусобақалари-да эришилган натижалар, дав-лат мукофотлари ва спортчи тўғрисидаги бошқа маълумот-лар кўрсатилган бўлади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг олдинги қонундан яна бир фарқ-ли жиҳати сифатида Ўзбеки-стон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий ва за-хира таркибларини шаклланти-риш учун зарур шароитлар яра-тишга доир талабларни жорий қилиш масалалари алоҳида боб билан белгилаб берилганини эътироф этиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, янги таҳрирда «Жисмоний тар-бия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилишга, фуқароларимиз-нинг соғлом ва узок умр қўри-шига, соҳада мутоахассилар тайёрлашнинг самарали тизи-минини ҳамда спорт инфратузил-масини шакллантиришга, спорт-нинг миллий турларини ривож-лантиришга, юртимиз ёшларининг халқаро мусобақаларда, Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлашга хизмат қиладди.

**Сардор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
етакчи илмий ходими.**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожланти-риш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри, йирик ҳўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилот-ларининг ахборот хизматлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ахборот хизмати» иккуний танловини ёнган қиладди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузури-даги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фон-дининг молиявий қўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2015 йилнинг 1 январидан 1 декабрга-ча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳўжалик субъект-лари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятини тасдиқлайдиган манбалар-га барча ҳавоаларни тақдим этган ҳолда, вазирилари, идо-ралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходими-нинг Ф.И.Ш., ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олтита номинация бўйича ўтказилади:

- йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
- йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
- энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи рас-мий сайти;
- йил кашфиёти;
- маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақ-дим этганлиги учун;
- журналист наздидаги энг яхши ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳўжатлари рўйхати
Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқ-ларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатиш-лар мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми

ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таъриф-ланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлай-диган барча манбаларга ҳавоалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатиш-лар мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг Ф.И.Ш.-нинг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таъ-рифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқ-лайдиган барча манбаларга ҳавоалар тақдим этилиши ке-рак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳавоалар сони, веб-сайтта қўндалик таш-риф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг гоёвий-бадий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтта тил версияларининг ишлашини эркин усулда таъриф-лаш.

Йил кашфиёти — жорий йилда йирик жамоат ташкилот-лари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаоли-яти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари Ф.И.Ш. матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқа-риш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мум-кин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳавоалар тақдим этилиши ке-рак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақ-дим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, рас-мий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаво-

лалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаш-тириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар би-лан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг яхши ахборот хизмати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизмати-нинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизми, масс-медиа вакиллари учун ўтка-зиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш дара-жаси, шакланган журналистлар пулининг мавжудлиги, журна-листлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма матери-алнинг сифати, онлайн режимда ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда қўриқилишини эркин шак-лда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босил-ган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкни ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақал-поқ тилида таърифланган бўлиши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақ-дим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов ғолибларига совринлар
Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қimmatбох совға билан тақдирланади.

Материаллар 2015 йилнинг 4 декабрга-ча «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қavat, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожла-тириш жамоат фондида қўриқилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

АВТОМОБИЛЬ ҲАРАКАТИДА чекловлар жорий этилди



Бугунги кунда дунёнинг айрим мегаполис шаҳарла-рида автомобиллар ҳарака-тида чекловлар жорий этил-ганини, яъни ҳафтанинг тоқ кунлари тоқ рақамли, жуфт кунлари эса жуфт рақамли автотранспорт воситалари ҳаракатида руҳсат берилиши-ни яхши биламиз. Бундан мақсад кўчаларда пайдо бўладиган транспорт қатно-ви тизилишининг олдини олишдир.

Жорий йил сентябрь ойининг охиридан Непалда ҳам худ-ди шундай чеклов жорий этил-ди. Фақат бу чеклов ёнлиги тан-қислиги сабаб қўлланилмоқда.

Хатто Непалга парвозларни амалга ошираётган халқаро авиакомпаниялар ҳам мамла-катда ёнлиги танқислиги ҳақида олдиндан огоҳлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 6 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қий-матини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1862,47
■ 1 Англия фунт стерлинги	4006,63
■ 1 Дания кронаси	396,46
■ 1 БАА дирҳами	717,46
■ 1 АКШ доллари	2635,08
■ 1 Миср фунти	336,54
■ 1 Исландия кронаси	20,79

■ 1 Канада доллари	2006,76
■ 1 Хитой юани	414,59
■ 1 Россия рубли	39,96
■ 1 Украина гривнаси	124,60
■ 1 Малайзия ринггити	599,09
■ 1 Польша злотийси	696,37
■ 1 СДР	3691,64

■ 1 Туркия лираси	881,74
■ 1 Швейцария франки	2714,06
■ 1 ЕВРО	2959,01
■ 10 Жанубий Корея вони	22,50
■ 10 Япония иенаси	219,43

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУНЁДКОРЛИК



Бугунги кунда Жиззах шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Марказий кўчалар кенгайтирилиб, кўп қаватли уй-жойлар, замонавий савдо ҳамда хизмат кўрсатиш мажмуалари, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар, болалар майдончалари барпо этиляпти.

Ободлик кўнгилдан бошланади

Яқинда вилоят марказида янги лойиҳа асосида қад ростлаган «Сўғдиёна» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг ишга туширилгани ҳам ана шундай хайрли ишларнинг давоми бўлди.

Ушбу замонавий мажмуа таркибида 10 минг томошабинга мўлжалланган футбол майдони, енгил атлетика майдончалари, барча қулайликларга эга кийиниш хоналари, матбуот конференциялари ўтказиладиган махсус зал, ҳакамлар хоналари, бадий гимнастика, бокс заллари, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва бошқа спорт-соғломлаштириш иншоотлари мавжуд. Спорт мажмуаси рўпарасида бунёд этилган истироҳат боғи ва ундаги мукабили фаввора бу масканга келган дам олувчиларга ўзгача ором, завқу шавқ улашмоқда.

— Очиги, илгари шахримизда бундай дам олиш масканлари йўқ эди, — дейди неваралари билан келган «Кўтарма» маҳалласида истироҳат қилувчи меҳнат фахрийси Райхон Қобилова. — Сўлим хиббон, гуллар, атрофга ранг-баранг зар сочаётган мукабили фаввора бу жойга келганларнинг баҳри-дилини очди. Майдончаларда турли ўйинлар билан машғул болаларнинг қувончини айтмайсизми? Булар тинчлик тўғрисида эканлигини барчамиз яхши биламиз. Шундай юрда яшаётганлигимизга шукроналар айтсак арзийди...

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан бўён Жиззах вилоятида 109 янги замонавий спорт иншооти, 14 мукабили ва санъат мактаби қурилди. Барпо этилган спорт иншоотларининг 78 фоизи қишлоқ жойларига тўри келади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЗЮДО

МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ СИНОВИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида қаторасига учинчи марта ўтказилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда полвонларимиз бир олтин, бир кумуш, тўрт бронза медалига сазовор бўлди.

Дунёнинг эллик икки мамлакатидан келган 355 нафар дзюдочи нафақат совринли ўринлар, балки 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун ҳам майдонга тушди.

Вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувларида ҳамюртимиз Мирали Шариповга тенг келадиган рақиб топилмади. Ушбу вазнда қатнашган яна бир полвонимиз Гийёсон Бобоев бронза медали билан тақдирланди.

Шунингдек, полвонларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев кумуш, Дийёрбек Ўрозбоев, Шерали Жўраев ва Сойиб Қўрбонов бронза медалини қўлга киритди.

— Гран-При турнирлари ҳар



йили дунёнинг ўн та давлатида ташкил этилади, — дейди Ўзбекистон Дзюдо федерацияси президенти Армен Багдасаров. — Халқаро

дзюдо федерацияси томонидан мазкур халқаро турнирнинг 2013-2016 йиллар давомида қаторасига тўрт йил Тошкентда ўтказилиши

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

ЯНА ОЛТИ ТУРДАН СЎНГ

футбол бўйича Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари баҳсларни якунлашади

Мавсум охиригача сайин учрашувлар янада шиддатли ва кескин тус олмақда. Кун кеча нисбатан янги йигирма туртинчи тур баҳслари ҳам фикримиз тасдиғидир.

Мазкур тур муҳлисларга бир қатор қўйилмаган натижаларни тақдир қилди. Жумладан, чемпионатимиз пешқадами — «Пахтакор» жамоаси бу гал Фарғонага сафар қилди. Унда «Нефчи» футболчилари пахтакорчилар устидан 3:2 ҳисобида зафар қўчди.

Яна бир қизиқарли учрашув Муборакда «Машъал» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасида кузатилди. Меҳмонларга нисбатан ишончли ўйин намойиш этган муборакчилар 3:2 ҳисобида галаба қозониб, ўз тарихида илк бор

бунёдкорчилардан устун келди.

Иккинчи давра учрашувлари-ни юқори савияда бошлаган «Бухоро» жамоаси ушбу турда Навоийга сафар қилди. Унда ушқоқлик билан тўп сурган «Кизилқум» футболчилари кичик ҳисобда галаба қозонди — 1:0. Ягона гол чемпионат тўпурари Бахриддин Вахобов ҳисобига ёзилди ва унинг голлари сони 19 тага етди.

Турнинг қолган учрашувларида қўйилган натижалар қайди қилинди: «Металлург» — «Насаф» — 0:1, «Сўғдиёна» — «Динамо» — 1:2, «Навбахор» — «Андижон» — 1:0, «Локомотив» — «Олмалик» — 4:1, «Шўртан» — «Кўкун-1912» — 2:2.

Йигирма бешинчи тур учрашувлари 16 октябрь кuni бўлиб ўтади.



Хасан ПИРОХАММЕТОВ
олган сурат.

Йигирма туртинчи турдан кейинги вазият

	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1. «Пахтакор»	19	3	2	48-19	60
2. «Локомотив»	18	4	2	52-17	58
3. «Насаф»	17	3	4	42-16	54
4. «Нефчи»	15	3	6	35-21	48
5. «Бунёдкор»	15	2	7	31-17	47
6. «Олмалик»	11	5	8	44-38	38
7. «Кизилқум»	9	3	12	31-38	30
8. «Металлург»	8	5	11	36-30	29
9. «Машъал»	8	5	11	36-30	29
10. «Навбахор»	8	5	11	31-41	28
11. «Шўртан»	6	8	10	34-42	26
12. «Кўкун-1912»	7	3	14	24-39	24
13. «Динамо»	6	3	15	23-36	21
14. «Сўғдиёна»	6	2	16	21-48	20
15. «Андижон»	5	3	16	21-43	18
16. «Бухоро»	4	4	16	21-44	16



ПРЕМЬЕРА

«ТАНҲО ЮЛДУЗ»
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мукабили театрида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган янги спектакль тақдироти бўлиб ўтди.

Драматург Нурулло Аббосхон қаламига мансуб «Танҳо юлдуз» пьесасини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров сахнага қўйди. Асарни театрнинг адабий бўлими раҳбари Гавҳар Раҳмонова қорақалпоқ тилига ўйрган.

— Пьесани ўқиб жуда таъсирландим, — дейди Г.Раҳмонова. — Асарда илгари сурилган инсон, унинг кадр-қиммати, ёшлар тарбияси ва фарзандлик бурч каби юксак ғоялар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эъзозлаш, уларнинг кўнглини шод этишга ундайди.

Спектаклдаги асосий ролларни артистлар Мирзагул Сапаева, Ҳамидбой Қўсимбетов, Жумагул Соғиндиқова ижро этмоқда. Саҳна беагани Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Роҳат Асқаров ишлаган.

Янги спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

А.ОРТИҚБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
КОМПАНИЯСИ

барча манфаатдор ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш учун 2015 йил 26 октябрдан 2 ноябргача «Ўзэкспомарказ» мажмуасида (Тошкент шаҳри,

Амир Темура кўчаси, 107-уй) ўтказиладиган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва ҳамкорлик биржасидаги холдинг компанияси стэндига тақлиф этилади.

Маълумот учун телефонлар:
(+99871) 244-30-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

CHEVROLET

UAZ

GAZ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

ТЕННИС



Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабида аёллар ўртасида ўтказилган анъанавий «Tashkent open» халқаро турнири якунланди.

«TASHKENT OPEN»
КАШФИЁТЛАРИ

Умумий соврин жамғармаси 250000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақага юртимиз ўн еттинчи марта мезбонлик қилди.

Бир ҳафта давом этган «Tashkent open» халқаро турнирининг яққалик баҳслари финалида япониялик Нео Хибино хорватиялик Донна Векич билан ўзаро баҳс юритди. Унда кунчиқар юрт вакилининг қўли устун келди — 6/2, 6/2.

Мусобаканинг жуфтликлар учрашувлари ҳам муросасиз ва шиддатли кечди. Финалда муҳлислар россиялик Маргарита Гаспарян/Александра Панова жуфтлигининг Вера Душевина (Россия)/Катерина Синакова (Чехия) «дуэтига» қарши баҳси-га гувоҳ бўлдилар — 6/1, 3/6, 10/2.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО	6-7.10 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+8 / +13
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+13 / +18
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+10 / +15
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+13 / +18
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+10 / +15
Тошкент шаҳри	+12 / +14
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+18 / +16
Париж	+22 / +17
Москва	+9 / +7
Мадрид	+21 / +22
Пекин	+27 / +27
Канберра	+21 / +23
Рим	+26 / +24
Афина	+28 / +27
Токио	+19 / +23
Стокгольм	+9 / +9
Кейптаун	+21 / +21
Қоҳира	+31 / +30
Гавана	+29 / +31
Вашингтон	+23 / +24

МУАССИС:



О'ЗBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
10429
nuxxada
bosildi.

Soluvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

